

ОСТЕОМИЕЛИТЛАР ТАШХИСЛАНГАН БЕМОРЛАР КАСАЛЛИК КҮРИНИШИ ВА ЁШИГА БОГЛИҚ КЛИНИК ТАВСИФИ

Эргашев В.А., Нуралиев Н.А.,

ЎзР ССВ санитария, гигиена ва касб касалларни ИТИ,
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Мақсад остеомиелитлар ташхисланган беморлар касаллик күринишлари ва улар ёшига боғлиқ ҳолдаги клиник тавсифини баён қилиш бўлди. Аниқланишича, остеомиелитлар болаларда катта ёшлиларга нисбатан ишонарли кам учраган, аёлларда эркакларга нисбатан 2,6 мартаға кам ташхисланган бўлса, қиз ва ўғил болаларда ҳам бу тафовут сақланиб қолди. Посттравматик остеомиелит катта ёшлиларда гематогенга нисбатан ишонарли кўн учраған бўлса, болаларда бу амалий жиҳатдан бир хил бўлди. Беморларда классик клиник ва рентгенологик белгилар аниқланди ва барча кўрсаткичлар касаллик патогенезига хос бўлди.

Калим сўзлар: ўтқир остеомиелит, сурункали остеомиелит, катта ёшилар, болалар, клиник симптомлар, рентгенологик белгилар.

КЛИНИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА БОЛЬНЫХ С ОСТЕОМИЕЛИТАМИ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ФОРМЫ ЗАБОЛЕВАНИЯ И ВОЗРАСТА

Эргашев В.А., Нуралиев Н.А.,

НИИ санитарии, гигиены и профзаболеваний МЗ РУз,
Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино.

✓ *Резюме,*

Целью была клиническая характеристика больных остеомиелитами в зависимости от формы заболевания и возраста больных. Установлено, что остеомиелиты встречались у детей достоверно меньше по сравнению с взрослыми, если у женщин диагностирована в 2,6 раза больше, чем у мужчин, то такая же разница наблюдалась между девочками и мальчиками. У взрослых посттравматический остеомиелит выявляли достоверно больше, чем гематогенный, но у детей они встречались практически одинаково. У больных выявлялись классические симптомы и рентгенологические признаки, кроме того все признаки соответствовали патогенезу заболевания.

Ключевые слова: острые остеомиелиты, хронические остеомиелиты, взрослые, дети, клинические симптомы, рентгенологические признаки.

CLINICAL CHARACTERISTICS OF PATIENTS WITH OSTEOMYELITIS DEPENDING ON THE FORM OF THE DISEASE AND AGE

Ergashev V.A., Nuraliev N.A.,

Research institute of sanitation, hygiene and occupational diseases of the ministry of health of the Republic of Uzbekistan, Bukhara state medical institute Named after Abu Ali ibn Sino.

✓ *Resume,*

The goal was a clinical characteristic of patients with osteomyelitis depending on the form of the disease and the age of the patients. It was found that osteomyelitis was significantly less in children than in adults, if the women were diagnosed 2.6 times more than men, the same difference was observed between girls and boys. In adults, post-traumatic osteomyelitis was significantly more significant than hematogenous, but in children they were almost identical. In patients, classical symptoms and radiographic signs were detected, in addition, all the signs corresponded to the pathogenesis of the disease.

Key words: acute osteomyelitis, chronic osteomyelitis, adults, children, clinical symptoms, radiologic signs.

Долзарблиги

Ўтқир ва сурункали остеомиелитлар ҳозирги кунда учраш даражаси, асоратлари, ўлим ҳолати ва иқтисодий зарари ҳисобига тиббийтнинг ҳал қилиниши зарур бўлган муҳим муаммолари қаторига киради[1, 2, 5, 8, 9].

Аниқланишича, остеомиелитларнинг ўтқирдан сурункали кўринишга ўтиши 15-30% ҳолатда кузатил-

ган. Метаэпифизар остеомиелитлар ўтказган 23-58,3% беморларда ортопедик асоратлар намоён бўлган[3, 7].

Суякнинг очиқ синишлари натижасида асорат сифатида остеомиелитлар 1,4-14,4% ҳолатда, ёпиқ синишлар натижасида 0,4-7,6% ҳолатда шаклланган. Бундай ҳолларда 15,9-30,4% беморларда жараён сурункали босқичга ўтган. Таянчҳаракат тизимида ўтказилган оператив аралашувлардан кейин 1,6-22,4% беморларда остеомиелит ривожланиши



түгрисида маълумотлар ҳам адабиётларда келтирилган[6, 10, 11].

Мақсад турли локализациядаги остеомиелитлар ташҳисланган беморлар касаллик кўринишлари ва ёшига боғлиқ ҳолдаги клиник тавсифини баён қилиш бўлди.

Материал ва усууллар

Тадқиқот ҳажми, материал миқдори, стандартлаштирилган усууллар қўлланилиши натижа ва хуло-саларнинг ишончли бўлишини таъминлашини ҳисобга олган ҳолда текширилган беморлар контингенти клиник тавсифига батафсил тўхтадид.

Мазкур мақсадни бажариш мақсадида 448 нафар остеомиелитнинг ўткир ($n=53$), сурункали ($n=395$) кўринишлари билан касалланган бемор болалар ва катта ёшли пациентлар касаллик тарихлари ўрганилди. Уларнинг 380 нафари ($84,8\pm1,7\%$) катта ёшли, 68 нафари ($15,2\pm1,7\%$) болалар бўлди.


Ўрганилган беморларга остеомиелит ташҳиси клиник, рентгенологик, лаборатор усууллар ёрдамида International Statistical Classification of Diseases and Related Health Problems 10 th Revision Version for (1997) асосида верификация қилинди.

Беморларни тиббий тадқиқотларга жалб этиш билан боғлиқ этик тамойиллар Жаҳон Тиббиёт Ассоциациясининг Хельсинки Декларацияси (Хельсинки, 1964, охириги тўлдириш Сеул, 2008) асосида амалга оширилди. Барча беморлар Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2007-2015 йилларда даволангандар бўлди. Бактериологик тадқиқотлар Хоразм вилоятДСЭНМ, Урганч туман ДСЭНМ бактериологик лабораторияларида бажарилди, натижаларни талқин ва таҳлил қилиш ЎзР ССВ санитария, гигиена ва касб касаллуклари ИТИ да олиб борилди.

Натижаларни статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усууллари ёрдамида амалга оширилди. Барча тадқиқотлар тиббий-биологик текширишлар учун маҳсус "Excel" дастури қўлланган ҳолда бажарилди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишида далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилди [4].

Натижалар ва муҳокама

Илмий иш аввалида барча беморлар остеомиелитлар касаллик кўринишлари бўйича тақсимланди (1-асм). Катта ёшли беморларда сурункали остеомиелитлар ўткир остеомиелитларга нисбатан ишонарли кўп



1-расм. Остеомиелит билан касалланган беморлар контингентининг касаллик кўринишлари бўйича тақсимланиши, %.

учраши билан фарқланди - $92,1\pm1,4\%$ га ($n=350$) қарши $7,9\pm1,4\%$ ($n=30$) - $P<0,001$. Болаларда ҳам шунга ўхша什 тенденция сақланиб қолди - $66,2\pm5,7\%$ га ($n=45$) қарши $33,8\pm5,7\%$ ($n=23$). Гарчи учраш тенденцияси бир бирига яқин бўлсада, тафовутлар интен-

сивлиги бўйича фарқ кузатилди, ҳисобланган кўрсаткич катта ёшли беморларда 11,7 мартани ташкил этган бўлса, бемор болаларда бу параметр 2,0 мартага етди.

1-жадвал

Остеомиелитлар билан касалланган беморларни ёш бўйича тақсимлаш қўрсаткичлари ($n=448$)

Беморлар ёши	Мутлоӣ сон	%
0 – 6 ёш	13	$2,9\pm0,8$
7 – 14 ёш	55	$12,2\pm1,5$
15 – 18 ёш	72	$16,1\pm1,7$
19 – 29 ёш	103	$23,0\pm2,0$
30 – 39 ёш	75	$16,8\pm1,8$
40 – 49 ёш	85	$19,0\pm1,9$
50 – 59 ёш	32	$7,1\pm1,2$
60 ёш ва ундан катта	13	$2,9\pm0,8$

Үрганилган беморларнинг 324 нафари ($72,3\pm2,1\%$) эркак, 124 нафари ($27,7\pm2,1\%$) аёл жинсига таалуқли бўлди. Катта ёшли аёл ва эркаклар нисбати $1:2,62$ га тенг бўлган бўлса (мос равишда $27,6\pm2,3\%$, n=105 ва $72,4\pm2,3\%$, n=275), қиз ва ўғил болаларда бу кўрсаткич $1:2,58$ га (мос равишда $27,9\pm5,4\%$, n=19 ва $72,1\pm5,4\%$, n=49) тенг бўлди ($P<0,001$).

Катта ёшлиларнинг 329 нафари ($86,6\pm1,7\%$) қишлоқларда яшовчилар бўлса, 51 нафари ($13,4\pm1,7\%$) шаҳарда доимий истиқомат қилувчи шахслар бўлишиди ($P<0,001$). Бу кўрсаткичлар болаларда ҳам катталар параметрларига ўхшаш бўлди - $91,2\pm3,4\%$ га (n=62) қарши $8,8\pm3,4\%$ (n=6) - $P<0,001$.

Демак, остеомиелитлар болаларда катта ёшлиларга нисбатан ишонарли кам учради ($1:5,59$ нисбат), шунингдек, аёлларда бу хасталик эркакларга нисбатан $2,6$ марта га кам ташҳисланган бўлса, қиз ва ўғил болаларда ҳам бу тафовут катталар даражасида бўлди ($2,6$ марта кам). Турли ёш тоифаларида қишлоқда ва шаҳарда истиқомат қилувчилар орасида ҳам фарқ аниқланди, катта ёшлиларда $6,5$ марта, болаларда $10,4$ марта га қишлоқда яшовчилар орасида остеомиелитлар шаҳарликларга нисбатан кўп учради.

Үрганилган беморлар контингентини ёш бўйича тақсимлаш натижалари 1 жадвалда көлтирилган. Кўриниб турибиди, ёш бўйича беморлар сони орасида катта фарқ аниқланмади. Фикримизча, 19 ёшдан 49 ёшгача бўлган беморларсонининг бошқа ёш гурӯҳларига нисбатан кўп учраши уларнинг фаол ҳаёт фаолиятлари билан боғлиқ, аксинча беморлар ёши улғ-

айиши билан остеомиелитлар учраш фоизи кескин камайиб кетган.

Беморларни ёш бўйича касаллик кўринишларига мос тақсимлаш натижалари 2 жадвалда көлтирилган. Олинган натижалар болаларда ўтқир остеомиелитлар сурункали кўринишга нисбатан ишонарли кўп учрашини кўрсатди ($P<0,001$) - $0-6$ ёшлиларда $17,0$ марта га, $7-14$ ёшлиларда $2,5$ марта га, $15-18$ ёшлиларда $1,5$ марта га, аммо, катта ёшлиларда бунинг аксини кузатдик. Сурункали остеомиелитлар ўтқир кўринишга нисбатан $19-29$ ёшлиларда $4,4$ марта, $30-39$ ёшлиларда $1,6$ марта, $40-49$ ёшлиларда $1,5$ марта, $50-59$ ёшлиларда $4,2$ марта, 60 ёши ва катталарда $1,6$ марта га ишонарли равишида кўп учради ($P<0,001$ - $P<0,05$).

Катта ёшлиларда остеомиелитлар шаклланишида иш фаолияти таъсир даражасини ўрганиш учун улар касби бўйича ҳам тақсимланди (3 жадвал). Беморлар орасида ўқувчи ва талабаларнинг кўп ($30,1\pm2,2\%$, n=131) учраши эътиборни жалб қиласидиган ҳолат. Ёш болаларнинг ($0-6$ ёш) 11 нафари ($16,1\pm4,5\%$) уйидаги тарбияланавтганлар, 2 нафари ($2,9\pm2,0\%$) боғча тарбияланувчилари бўлишиди.

Демак, остеомиелитлар учрашида беморлар жинси, турар жойи билан бир қаторда беморлар ёши билан боғлиқ қонуниятлар ҳам кузатилди. Шу билан бирга пациентларнинг касби билан боғлиқ хусусиятлар аниқланмади. Ногиронлар сони кўплиги сурункали остеомиелит туфайли ногиронлик расмийлаштирган беморлар ҳисобига эканлигини алоҳида қайд этмоқчимиз.

2 жадвал

Остеомиелитлар билан касалланган беморларни ёш бўйича касаллик кўринишига мос тақсимлаш кўрсаткичлари

Беморлар ёши	Ўтқир остеомиелит, n=53		Сурункали остеомиелит, n=395	
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
0 – 6 ёш	9	$17,0\pm5,2$	4	$1,0\pm0,5$
7 – 14 ёш	14	$26,4\pm6,1$	41	$10,4\pm1,5$
15 – 18 ёш	12	$22,6\pm5,7$	60	$15,2\pm1,8$
19 – 29 ёш	3	$5,7\pm3,2$	100	$25,3\pm2,2$
30 – 39 ёш	6	$11,3\pm4,3$	69	$17,5\pm1,9$
40 – 49 ёш	7	$13,2\pm4,6$	78	$19,7\pm2,0$
50 – 59 ёш	1	$1,9\pm1,8$	31	$7,9\pm1,4$
60 ёш ва катта	1	$1,9\pm1,8$	12	$3,0\pm0,9$

3 жадвал

Остеомиелитлар билан касалланган беморларнинг касби бўйича касаллик кўринишларига мос тақсимланиши кўрсаткичлари

Касби	Умумий, n=435		Ўтқир, n=44		Сурункали, n=391	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%
Ногирон, пенсионер	140	$32,2\pm2,2$	4	$9,1\pm4,3$	136	$34,8\pm2,4$
Талаба ва ўқувчи	131	$30,1\pm2,2$	25	$56,8\pm7,5$	106	$27,1\pm2,2$
Вақтинча ишсиз	91	$20,9\pm1,9$	11	$25,0\pm6,5$	80	$20,5\pm2,0$
Уй бекаси	31	$7,1\pm1,2$	1	$2,3\pm2,2$	30	$7,7\pm1,3$
Ишчи	19	$4,4\pm1,0$	2	$4,5\pm3,1$	17	$4,3\pm1,0$
Хизматчи	17	$3,9\pm0,9$	1	$2,3\pm2,2$	16	$4,1\pm1,0$
Ф/х ходими	6	$1,4\pm0,6$	0	0	6	$1,5\pm0,6$

Эслатма: Ф/х - фермер хўжалик; Мут - мутлоқ сонларда.






2-расм. Беморларда остеомиелитларнинг шаклланиши сабаблари бўйича тақсимланиши, %.

Остеомиелитлар сабаблари қўйидагича бўлди (2 расм): посттравматик остеомиелит катта ёшдагиларда $66,3 \pm 2,4\%$ ни ($n=252$) ташкил этган бўлса, болаларда бу кўрсаткич $41,2 \pm 6,0\%$ га ($n=28$) тенг бўлди.

Гематоген остеомиелит катта ёшли беморларнинг $25,0 \pm 2,2\%$ ида ($n=95$) касаллик сабабчиси сифатида намоён бўлган бўлса, болаларнинг $42,6 \pm 6,0\%$ ида ($n=29$) касаллик этиологияси сифатида қайд этилди. Катта ёшли беморларнинг $7,9 \pm 1,4\%$ и ($n=30$) касаллик шаклланиши сабабини ҳеч нарса билан боғлай олмаган бўлишса, болаларнинг (ота оналарнинг)

$16,2 \pm 4,5\%$ и ($n=11$) касаллик сабабини кўрсата олмадилар.

Кейинги босқичда беморларда остеомиелитлар шаклланиши сабабининг касаллик кўринишларига мос қиёсий тақсимланишини ўргандик (3 расм). Агар ўткир кўринишда болаларда гематоген остеомиелит посттравматикдан ишонарли кўп учраган бўлса ($P<0,001$), катталарда улар орасида фарқ амалий жиҳатдан йўқолди ($P>0,05$), сурункали кўринишда эса ҳам болалар, ҳам катталарда посттравматик остеомиелит гематоген остеомиелитдан ишонарли даражада кўп учради ($P<0,001$).



3 расм. Беморларда остеомиелитлар шаклланиши сабабларининг касаллик кўринишларига мос қиёсий тақсимланиши, %

Остеомиелитлар кечиши, прогнозини белгилашда патологик жараён локализациясини билиш муҳим. Шуну ҳисобга олган ҳолда беморларда патологик жараён локализациясини аниқладик (4 жадвал).

Аниқланишича, учраш даражаси бўйича етакчилик сон, болдири, елка ва товоң суюклирида ($P<0,05$) бўлди. Бу тенденция катта ёшли пациентлар ва бемор болаларда бир хилда кузатилди, ҳатто фойизларда учраши бўйича ҳам амалий жиҳатдан бир хил рақамлар олинди. Баъзи ҳолатларда бир bemordra патологик жараён 2 та суюкда локализация бўлганини кузатдик,

шунинг ҳисобига 380 нафар bemorga 391 та локализация тўғри келди.

Катта ёшли беморларда $73,2\%$ ҳолатда, bemor болаларда $74,9\%$ ҳолатда патологик жараён фақатгина сон ва болдири суюклирида жойлашгани кузатилди. Бемор болаларда тизза, чаноқ ва ўмров суюклирида патологик жараён локализацияси кузатилмаганига гувоҳ бўлдик.

Биз томондан аниқланган патологик жараён локализацияси бўйича ушбу кўрсаткичлар илмий адабиётлар маълумотларига тўғри келди [6, 11].

Катта ёшли беморларнинг 375 нафари ($98,7\pm0,6\%$) консерватив даво олган бўлса, 179 нафари ($47,1\pm2,6\%$) ҳам консерватив, ҳам оператив даво олишган. Бемор болалар бўйича ҳам шунга ўхшаш натижалар олин-

ди, уларнинг барчасига госпитализациядан сўнг консерватив даво тайинланган, 23 нафарига бўлса ($33,8\pm5,7\%$) оператив даво ҳам ўтказилган.

4 жадвал

Остеомиелитлар билан касалланган bemorlarда патологик жараён локализациясининг қиёсий кўрсаткичлари

Локализация	Катта ёшиллар, n=391		Болалар, n=68	
Сон суюги	146	$37,4\pm2,4$	26	$38,2\pm5,9$
Болдир суюги	140	$35,8\pm2,4$	25	$36,7\pm5,8$
Елка суюги	31	$7,9\pm1,4$	6	$8,8\pm3,4$
Товон суюги	29	$7,4\pm1,3$	5	$7,4\pm3,2$
Билак суюги	15	$3,9\pm1,0$	4	$5,9\pm2,9$
Кафт суюги	9	$2,3\pm0,8$	1	$1,5\pm1,4$
Тизза суюги	8	$2,0\pm0,7$	0	0
Ккрак қафаси суюги	6	$1,5\pm0,6$	1	$1,5\pm1,4$
Чаноқ суюги	4	$1,0\pm0,5$	0	0
Ўмров суюги	3	$0,8\pm0,4$	0	0

Илмий ишнинг қейинги босқичида остеомиелитлар қузатилган bemorlar клиник симптомларини касаллик кўринишларига мос қиёсий ўрганилди. Барча симптомлар тадқиқотларга жалб этилган bemorlar касаллик тарихларини ўрганиш натижаси бўйича келтирилган (5 жадвал).

Остеомиелитлар қузатилган bemorlar касаллик тарихларини ўрганиш барча bemorларда ушбу касалликнинг классик симптомлари ҳар бир bemorда индивидуал тарзда учраганини кўрсатди. Худди шундай ҳолат касаллик кўринишлари бўйича симптомлар учраши ўрганилганда ҳам қузатилди.

5 жадвал

Остеомиелитлар қузатилган bemorларда аниқланган симптомлариниг касаллик кўринишларига мос қиёсий кўрсаткичлари

Симптомлар	Ўткир остеомиелит		Сурункали остеомиелит	
	Катталар, n=30	Болалар, n=23	Катталар, n=350	Болалар n=45
Оғриқ	100,0	$95,7\pm4,2$	$99,4\pm0,4$	100,0
Ҳаракат чегараланган	$70,0\pm8,4$	$73,9\pm9,2$	$85,1\pm1,9$	$97,8\pm2,2$
Оқмали яра	$66,7\pm8,6$	$8,7\pm5,9$	$75,4\pm2,3$	$40,0\pm7,3$
Шиш	$66,7\pm8,6$	$95,7\pm4,2$	$45,7\pm2,7$	$51,1\pm7,5$
Юриш бузилиши	$46,7\pm9,1$	$21,7\pm8,6$	$48,6\pm2,7$	$42,2\pm7,4$
Қизариш	$33,3\pm8,6$	$47,8\pm10,4$	$16,6\pm2,0$	$15,6\pm5,4$
Махаллий ҳарорат	$30,0\pm8,4$	$69,6\pm9,6$	$12,0\pm1,7$	$17,8\pm5,7$
Броди абсцесси	$3,3\pm3,2$	0	$1,1\pm0,6$	0
Гарре остеомиелити	0	0	$0,6\pm0,4$	0
Контрактура	0	0	$18,0\pm2,1$	0

6 жадвал

Остеомиелитлар қузатилган bemorларда аниқланган рентгенологик белгиларнинг касаллик кўринишларига мос қиёсий кўрсаткичлари

Рентгенологик белгилар	Ўткир остеомиелит		Сурункали остеомиелит	
	Катталар, n=30	Болалар, n=23	Катталар, n=350	Болалар n=45
Деструктив ўзгаришлар	$86,7\pm6,2$	$87,0\pm7,0$	$94,0\pm1,3$	$86,7\pm5,1$
Секвестр	$50,0\pm9,1$	$8,7\pm5,9$	$44,9\pm2,7$	$33,3\pm7,0$
Илизаров аппарати	$10,0\pm5,5$	0	$2,0\pm0,7$	$4,4\pm3,1$
Штифт ёки пластина	$3,3\pm3,2$	0	$3,1\pm0,9$	$4,4\pm3,1$
Битмаган синиқ	$3,3\pm3,2$	0	$0,9\pm0,5$	0
Остеома	$3,3\pm3,2$	0	0	$8,9\pm4,2$
Анкилоз белгилари	0	0	$1,7\pm0,7$	0

Остеомиелитлар ташҳисотида рентгенологик усулнинг ҳам аҳамияти катталиги илмий манбаларда етарлича көлтирилган [1, 5, 9]. Шуни ҳисобга олиб ўрганилган беморлар касаллик тарихида баён этилган рентгенологик текширишлар натижаларини умумлаштирилган ҳолда көлтирилдик (6 жадвал). Остеомиелитларда касаллик шакланиши патогенезига хос рентгенологик белгилар аниқланди. Уларда беморлар ёшига хос фарқлар аниқланмади.

Хуносалар

1. Остеомиелитлар болаларда катта ёшлиларга нисбатан кам учради (1:5,59 нисбат), аёлларда бу хасталик эркакларга нисбатан 2,6 марта кам ташҳисланган бўлса, қиз ва ўғил болаларда ҳам бу тафовут сақланиб қолди (2,6 марта кам). Катта ёшлиларда 6,5 марта, болаларда 10,4 марта кам ташҳисланганда яшовчилар орасида остеомиелитлар шаҳарликларга нисбатан кўп учради.

2. Постравматик остеомиелит катта ёшлиларда гематоген остеомиелитга нисбатан ишонарли кўп учраган бўлса, болаларда бу кўрсаткич амалий жиҳатдан бир хил бўлди. Ўткир кўринишда болаларда гематоген остеомиелит постравматикдан ишонарли кўп учради, катталарда улар орасида тафовут бўлмади, сурункали кўринишда ҳам болалар, ҳам катталарда постравматик остеомиелит гематогендан ишонарли даражада кўп учради.

3. Ўрганилган беморларда классик клиник ва рентгенологик белгилар аниқлангани баробарида барча кўрсаткичлар касаллик патогенезига хос бўлди. Рентгенологик белгилар беморлар ёшига мос фарқланмади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Джураев А.М., Бобожонов Б.Ю., Бабажанов Д.Э. Результаты оперативного лечения детей с деформациями коленного сустава на почве остеомиелита // Педиатрия. - Ташкент, 2012. - №1. - С.81-83.
- Котельников Г.П., Столяров Е.А., Сонис А.Г. Острый гематогенный остеомиелит у взрослых // Гений ортопедии. - Курган, 2009. - №4. - С.17-24.
- Маткурбанов А.Ш. Экспериментал ўткир ва сурункали остеомиелитларда иммун тизим ҳолати ва унинг кўрсаткичлари динамикаси. Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. - Тошкент, 2012. - 22 б.
- Пономарева Л.А., Маматкулов Б.М. Использование принципов доказательной медицины при организации и проведении гигиенических исследований // Методические рекомендации. - Ташкент, 2004. - 19 с.
- Скворцов А.П., Гильмутдинов М.Р., Ахтямов И.Ф. Профилактика ортопедических последствий в области тазобедренного сустава у детей с эпиметафизарным остеомиелитом // Вестник травматологии и ортопедии им. Н.Н.Приорова. - 2011. - №3. - С.44-47.
- Шамсиев А.М., Зайнинев С.С. Хронический рецидивирующий гематогенный остеомиелит // Детская хирургия. - 2012. - №1. - С.47-50.
- Al-Otaibi F.E., Al-Mohizea M.M. Non-vertebral Veillonella species septicemia and osteomyelitis in a patient with diabetes: a case report and review of the literature // J Med Case Rep. - 2014. - N12(8). - P.365-369.
- Egol K.A., Singh J.R., Nwosu U. Functional outcome in patients treated for chronic posttraumatic osteomyelitis // Bull NYU Hospit Dis. - 2009. - Vol. 67(4). - P.313-317.
- Hernigou P., Daltro G., Flouzat-Lachaniette C.H., Roussignol X., Poignard A. Septic arthritis in adults with sickle cell disease often is associated with osteomyelitis or osteonecrosis // ClinOrthopRelat Res. - 2010. - Vol.468(6). - P.1676-1681.
- Liao H.J., Chyuan I.T., Wu C.S., Lin S.W., Chen K.H., Tsai H.F., Hsu P.N. Increased neutrophil infiltration, IL-1 production and a SAPHO syndrome-like phenotype in PSTPIP2-deficient mice // Rheumatology (Oxford). - 2015. - Vol. 54(7). - P.1317-1326.
- Zeller J., Burke A. Osteomyelitis // JAMA. - 2008. - Vol. 299(7). - P.858-864.

Поступила 10.05. 2018